



Q A R O R

№- 594 -К

2007 йил « 18 » июни

Дахбед Иктисодиёт коллежининг
А.Кодирий номли массивдаги ер
майdonларини фермер хужаликларига
таксимлаш лойихаларини тасдиклаш
тугрисида.

Самарканд вилоят хокимининг 2007 йил 2-мартдаги 03-3/4-378-сонли, Кишлоқ хужалигида иктисодий ислохатларни чуқурлаштириш буйича Республикаси комиссиясининг 2007 йил 26-февралдаги 03/1-845-сонли йигилиш баёни қарорида белгиланган топшириқларнинг ижросини таъминлаш ҳақидаги баёнини ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 21-ноябрдаги ПК-514-сонли «2007 йилда кишлоқ хужалиқ қорхоналарини фермер хужалиқларига айлантириш чора-тадбирлари тугрисида»ги қарорининг 7-бандида кишлоқ хужалигида фойдаланиб келаётган ёрдамчи, укув, укув-тажриба хужалиқлари ва бошқа хужалиқ субъектларининг ер майdonларини хатловдан утказиш ҳамда ушбу ерлардан оқилона, самарали ва мақсадли фойдаланиш буйича чора-тадбирлар ишлаб чиқиш мақсадида, Оқдарё туман хокимининг 2007 йил 4-июндаги 573-сонли қарорига мувофиқ туман Ер ресурслари ва давлат кадастри бўлими мутахассислари таклифларини урганиб чиқиб ҳамда Ўзбекистон Республикаси «Ер кодекси»нинг 6-моддасига асосан

КАРОР ҚИЛАМАН:

1. Самарканд вилоят хокимининг 2007 йил 2-мартдаги 03-3/4-378-сонли, Кишлоқ хужалигида иктисодий ислохатларни чуқурлаштириш буйича Республикаси комиссиясининг 2007 йил 26-февралдаги 03/1-845-сонли йигилиш баёни қарорида белгиланган топшириқларнинг ижросини таъминлаш ҳақидаги баёнини ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 21-ноябрдаги ПК-514-сонли «2007 йилда кишлоқ хужалиқ қорхоналарини фермер хужалиқларига айлантириш чора-тадбирлари тугрисида»ги қарорининг 7-бандида кишлоқ хужалигида фойдаланиб келаётган ёрдамчи, укув, укув-тажриба хужалиқлари ва бошқа хужалиқ субъектларининг ер майdonларини хатловдан утказиш ҳамда ушбу ерлардан оқилона, самарали ва мақсадли фойдаланиш буйича тузилган Дахбед Иктисодиёт коллежининг А.Кодирий номли массивдаги ер майdonларини фермер хужалиқларига таксимлаш лойихалари 1-иловага мувофиқ тасдиқлансин.
2. Янгидан ташкил этилган фермер хужалиқларининг ер майdonлари банитет баллари, балл гектарлари ва меъёрий қиймат баҳолари 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.
3. Фермер хужалиқларига ажратилаётган ер майdonларининг чегараларини курсатиб бериш вилоят Ер ресурслари ва давлат кадастри бошқармаси, туман Ер ресурслари ва давлат кадастри бўлими ва «Уздаверлойтиха» институти Самарканд филиалидан суралсин.
4. Ушбу қарорни ижросини назорат қилиш туман Қайта ташкил этиш комиссияси раиси, туман хокимининг ташкилий ишлар ва назорат гуруҳининг раҳбари Т.Алқаров зиммасига юклатилсин.
5. Мазкур қарорнинг тасдиғи вилоят хокимидан суралсин.

Туман хокими:-


Н.Бердибаев